02:00 Тунингиз хайри бўлсин!

### Сешанба

06:00 "Файли тоғ" дастури  
08:30 "Форму хабарлари" кўрсатуви  
08:40 "Муслик вақти" дастури  
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
09:20 "Мангу севиғ" т/с (128-қисм)  
09:50 "Бизнес-промо"  
10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" инфор­мациян блоқи  
10:10 "Сулэина" б/ф  
11:45 "Муслик вақти" дастури  
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи  
12:10 "Style.UZ 2012" кундалиғи  
12:30 "Жарик исканжасида: махдулик ёки худбинлик" в/ф  
13:00 "Онлайн хабарлар" б/ф  
13:05 "Пентурони" б/ф  
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" инфор­мациян блоқи  
15:10 "Style.UZ 2012" кундалиғи  
15:45 "Муслик вақти" дастури  
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи  
16:10 "Клон" т/с (129-қисм)  
16:50 "Бизнес-промо"  
17:00 "Форму хабарлари" кўрсатуви  
17:20 "Style.UZ 2012" кундалиғи  
18:00 "Янги авлод" студияси намойиш этади  
18:10 "Мадагаскарлик пингвинлар" м/ф  
18:30 "Мангу севиғ" т/с (130-қисм)

19:00 "Муслик вақти" дастури  
19:20 "Бизнес-промо"  
19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида" инфор­мациян блоқи  
19:40 "Клон" т/с (130-қисм)  
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
20:50 "Бизнес-промо"  
21:05 "Жарик исканжасида: махдулик ёки худбинлик-2" в/ф  
21:45 "Британик" б/ф  
23:45 "Муслик вақти" дастури  
00:00 "Style.UZ 2012" кундалиғи  
00:30 Тунги кинозал: "Пролетая над гнездом кукушки" б/ф  
02:00 Тунингиз хайри бўлсин!

### Чоршанба

06:30 "Файли тоғ" дастури  
08:30 "Форму хабарлари" кўрсатуви  
08:40 "Муслик вақти" дастури  
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
09:20 "Мангу севиғ" т/с (130-қисм)  
09:50 "Бизнес-промо"  
10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" инфор­мациян блоқи  
10:10 "Хаққий эркаклар ови" б/ф  
11:45 "Муслик вақти" дастури  
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи  
12:10 "Style.UZ 2012" кундалиғи  
12:20 "Жарик исканжасида: махдулик ёки худбинлик-2" в/ф  
13:00 "Онлайн хабарлар" б/ф  
13:05 "Малика ва сочи" б/ф  
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" инфор­мациян блоқи  
15:10 "Style.UZ 2012" кундалиғи  
15:45 "Муслик вақти" дастури  
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи  
16:05 "Клон" т/с (130-қисм)  
16:50 "Бизнес-промо"  
17:00 "Форму хабарлари" кўрсатуви  
17:20 "Style.UZ 2012" кундалиғи  
18:00 "Янги авлод" студияси намойиш этади  
18:10 "Мадагаскарлик пингвинлар" м/ф  
18:30 "Мангу севиғ" т/с (131-қисм)  
19:00 "Муслик вақти" дастури  
19:20 "Бизнес-промо"  
19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида" инфор­мациян блоқи  
19:40 "Клон" т/с (131-қисм)  
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
20:50 "Бизнес-промо"  
21:05 "Жарик исканжасида: махдулик ёки худбинлик-3" в/ф  
21:45 "Марсупилими изилдан" б/ф  
пре­миера  
23:45 "Муслик вақти" дастури  
00:00 "Style.UZ 2012" кундалиғи  
00:30 Тунги кинозал: "Уминша Уалд Хантинг" б/ф  
02:00 Тунингиз хайри бўлсин!

### Пайшанба

06:30 "Файли тоғ" дастури  
08:30 "Форму хабарлари" кўрсатуви  
08:40 "Муслик вақти" дастури  
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
09:20 "Мангу севиғ" т/с (131-қисм)  
09:50 "Бизнес-промо"  
10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" инфор­мациян блоқи  
10:10 "Фараз" б/ф  
11:45 "Муслик вақти" дастури  
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи

12:10 "Style.UZ 2012" кундалиғи  
12:20 "Жарик исканжасида: махдулик ёки худбинлик-3" в/ф  
13:00 "Онлайн хабарлар" б/ф  
13:05 "Чу кунда қочин" б/ф  
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" инфор­мациян блоқи  
15:10 "Style.UZ 2012" кундалиғи  
15:45 "Муслик вақти" дастури  
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи  
16:05 "Клон" т/с (131-қисм)  
16:50 "Бизнес-промо"  
17:00 "Форму хабарлари" кўрсатуви  
17:20 "Style.UZ 2012" кундалиғи  
18:00 "Янги авлод" студияси намойиш этади  
18:10 "Мадагаскарлик пингвинлар" м/ф  
18:30 "Мангу севиғ" т/с (132-қисм)  
19:00 "Муслик вақти" дастури  
19:20 "Бизнес-промо"  
19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида" инфор­мациян блоқи  
19:40 "Клон" т/с (132-қисм)  
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
20:50 "Бизнес-промо"  
21:05 "Жарик исканжасида: махдулик ёки худбинлик-4" в/ф  
21:45 "Уқан тес" б/ф  
23:45 "Муслик вақти" дастури  
00:00 "Style.UZ 2012" кундалиғи  
00:30 Тунги кинозал: "Однажды в Америке" б/ф  
02:00 Тунингиз хайри бўлсин!

### Жума

06:30 "Файли тоғ" дастури  
08:30 "Форму хабарлари" кўрсатуви  
08:40 "Муслик вақти" дастури  
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
09:20 "Мангу севиғ" т/с (132-қисм)  
09:50 "Бизнес-промо"  
10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" инфор­мациян блоқи  
10:10 "Зебулар" б/ф  
11:45 "Муслик вақти" дастури  
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи  
12:10 "Style.UZ 2012" кундалиғи  
12:20 "Жарик исканжасида: махдулик ёки худбинлик-4" в/ф  
13:00 "Онлайн хабарлар" б/ф  
13:05 "Кунларинг бирлида" б/ф  
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" инфор­мациян блоқи  
15:10 "Style.UZ 2012" кундалиғи  
15:45 "Муслик вақти" дастури  
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи  
16:05 "Клон" т/с (132-қисм)  
16:50 "Бизнес-промо"  
17:00 "Форму хабарлари" кўрсатуви  
17:20 "Style.UZ 2012" кундалиғи  
18:00 "Янги авлод" студияси намойиш этади  
18:10 "Мадагаскарлик пингвинлар" м/ф  
18:30 "Мангу севиғ" т/с (133-қисм)  
19:00 "Муслик вақти" дастури  
19:20 "Бизнес-промо"  
19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида" инфор­мациян блоқи  
19:40 "Клон" т/с (133-қисм)  
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
20:50 "Бизнес-промо"  
21:05 "Жарик исканжасида: махдулик ёки худбинлик-5" в/ф

21:45 "Қизил ёғуз" б/ф  
пре­миера  
23:45 "Муслик вақти" дастури  
00:00 "Style.UZ 2012" кундалиғи  
00:30 Тунги кинозал: "Лабиринт Фанна" б/ф  
02:00 Тунингиз хайри бўлсин!

### Шанба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури  
06:30 "Тошойна" кўрсатуви  
07:00 "Муслик вақти" дастури  
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
07:50 "Бизнес-промо"  
08:00 "Муслик вақти" дастури  
08:30 Боллар соғи  
09:30 "Comedy.UZ" теле-шоу  
10:00 "Лола" б/ф  
11:30 "25 калд" кўрсатуви  
12:00 "Дийдор ширин" мусиқий-дани олиш дастури  
13:30 "Темур олим-2" б/ф  
16:00 "Муслик вақти" дастури  
16:20 "Жарик исканжасида: махдулик ёки худбинлик-5" в/ф  
16:50 "Бизнес-промо"  
17:00 "Хазина" телешоу викторинаси  
18:00 "Марсупилими изилдан" б/ф (1 қисм)  
19:20 "Бизнес-промо"  
19:30 "Дилшас даҳралар" теле-шоу  
21:00 "Овоз шоу" кўнгилочар кўрсатуви  
22:00 "Хавдли уйинг" б/ф (Хиштон)  
01:15 "Муслик вақти" дастури  
01:30 Тунги кинозал:  
"Майлиша на милалон" б/ф  
02:00 Тунингиз хайри бўлсин!

### Якшанба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури  
06:30 "Чой устид" кўрсатуви  
07:00 "Муслик вақти" дастури  
07:30 "Информациян блок"  
08:00 "Буни ҳаёт дейдилар"  
08:30 "Ёндиралди кулларида" кўрсатуви  
09:00 Боллар вақти  
09:30 "Кезалик курайлик" кўрсатуви  
10:00 Гарри Поттер-14 б/ф  
11:45 "Муслик вақти" дастури  
12:00 "Файли дастурхон" дастури  
12:10 "Овоз шоу" кўнгилочар кўрсатуви  
13:00 "Супер келинчак" теле-шоу  
13:40 "Дилшас даҳралар" телешоу  
15:00 "Кора кийимдилар" б/ф  
16:30 "Парламент соғи" ахборот-таҳлилий дастури  
16:50 "Бизнес-промо"  
17:00 "Хазина" телешоу викторинаси  
18:00 "Марсупилими изилдан" б/ф (2 қисм)  
19:20 "Бизнес-промо"  
19:30 "Яшил олма" кўрсатуви  
19:50 "Супер келинчак" теле-шоу  
20:30 "Дийдор ширин" мусиқий-дани олиш дастури  
21:35 "Comedy.UZ" теле-шоу  
22:00 "Бриллиант қада" б/ф  
00:15 "Муслик вақти" дастури  
00:30 Тунги кинозал: "Титаник" б/ф  
02:00 Тунингиз хайри бўлсин!

# Нақадар тотлидир устоз деган ном

Инсон ҳаётга бир бор келади. Ўзига берилган умрни кимдир роҳат-фароғатда ўтказиши ва буни ҳаётининг мазмуни деб билади. Бошқа бир тоифали кишилар эса заҳмат чекиб, кунларни тунга, тунларни эса кунга улаб меҳнат қилади. Бошқалар қалбига яхшилик уруғларини сочмоқчи бўлади.


Эргаш Сидиковни қашқадарёлик алоқачилар ўз касбининг устаси, почта алоқаси соҳаси ходимларининг устози деб билади. Умрининг ўттиз йилдан ортигини шу соҳага бахшида эътиётан Эргаш ака устоз деган шарафли номга осонликча эришмади. Соҳага энди келган ёшларнинг бошини силади, бой тажрибасини ўргатди, ҳалоллик, тўғрисиқлик тўғрисида насихат берди. Ўзига устозлик қилганларнинг ҳар бир сўзини иш фаолиятида етди тугди.

Дунёни забт этган ҳаётларнинг ҳам устозлари бўлишган. Устоз деганда фақат таълим-тарбия бераётганлар эмас, балки ҳаётга тўғри йўл кўрсатувчи, меҳнат фаолиятида елкадош, ҳамфирк, қолаверса, билмаганларнинг ўргатувчи кишилар ҳам тушунилади.

Эргаш Сидиков Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида таваллуд топган. Эргашевлар оиласи асли Қашқадарё вилоятининг Косон туманида истикомат қилиб, уруш йиллари қўшни вилоятга кўчиб кетишга мажбур бўлишган. Деновдаги мактабда таҳсил олиб, сўнг Қарши политехникумига ўқишга

кирди. Ўқишни тугатиб янги ташкил этилган Нишон туманидаги хўжаликларнинг бирида ишлади. Туманда янгидан-янги аҳоли маскани, халқ хўжалиги иншоотлари ташкил этила бошлади. Шу каторда алоқа уйлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Хўжалик тавсияси билан 1983 йилнинг 12 сентябрида Эргаш ака Толимаржон электралоқа боғламосига қарашли алоқа бўлими бошлиғи лавозимига ишга ўтказилди. Кейинчалик алоқа бўлимига "Ойдин" номи берилди. Мана анча йилдирки, Эргаш ака учун бу маскан кадрли бўлиб қолган.

Ташкил этилган янги алоқа бўлимлари учун дастлабки фаолият осон кечмади. Туман маркази орасидаги масофа олис, алоқа бўлими худудидаги халқ хўжалиги масканлари янги ташкил этилган, бунинг устига почта жўнатмалари, хат-хабарларни ўз вақтида етказишда техника етишмас, почта хизматлари кўрсатишнинг ташвиқоти зарур эди. Эргаш ака ўз малакасини ошириб бориб, ўзига нисбатан ўта талабчан, ташаббускор ходим экан-



лигини кўрсатиб, ишда илғор усуллари қўллаб, почта алоқаси соҳаси ривожига салмоқли ҳисса қўша олди.

Қарийб ўттиз йил бир алоқа бўлимида, бир вазифада меҳнат қилиш камдан-кам кишиларга nasib этиди. Шу йиллар давомида алоқа бўлимида пул маблағларини ўзлаштириш, камомад ёки бошқа нохуш ҳолатлар юз бермади. Аксинча, намунали алоқа бўлими сифатида туманда эътироф этилди. Биргина ўтган йил таҳлилларига эътибор қаратилса, жами 6807000 сўм даромад олинди. 1231та хат, 40та пул жўнатмаси, 6та жўнатма қабул қилиниб, обуначиларга 6486 дона газета етказиб берилган. 3418та газетанинг чакана сотувидан 1794500 сўм кирим қилинган. Қўшимча хизмат турларидан — электр энергия учун 13738700 сўм, газ тўлови учун 7511000, ичимлик суви учун 1646500, солиқ тўлови учун 6033700 сўм пул маблағ-

лари йиғилишига эришилган. Мазакур алоқа бўлими Каптарли маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда Олтинсой кишлоғи аҳолисига почта алоқаси хизматининг замонавий хизматларини кўрсатишни йўлга қўйган.

Эргаш Сидиков ҳали куёш заррин нурларини борлиққа ёйишга улгурмай кадрдон ишхонаси томон йўл олади. Хат-хабарларни эгаларига етказишни режалаштиради. Йўқлаб келган фуқаролар учун ҳам вақт топа олади. Шунинг учун ҳам нишонликлар меҳнатқаш, тўғрисиқ Эргаш акани туманда таниқилар сафига қўшади. Қунора кишлоқ оралаб юрган кишини ким ҳам танимайди дейсиз?

— Хизмат кўрсатадиган худудимдаги ҳар бир хонадон, кўча, маскан менга ёд бўлиб кетган, — дейди Эргаш ака. — Кўпчилик ҳамкасбларимнинг устоз дея мурожаат этишлари қалбимни қувончга тўлдирди. Бу номга сазовор бўлишнинг ўзи бўлмайди, уни оқлаш, қадрига етиш керак. Фарход Йўлдошев, Маҳмуджон Окназаров, Жалил Назаров, Холбой Шукуров, Нормурод Шодмонов сингари шогирдларим борлигидан қалбим фаҳрга тўла.

Эргаш Сидиков мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан Агентликнинг "Фахрий ёрлиғи" билан тақдирланган. Саккиз нафар фарзанд, 15 нафар набира ардоғида бўлган Эргаш ака туманининг Каптарли маҳалла фуқаролар йиғинидаги Гулистон кўрғонига ҳам ибратли оила соҳиб сифатида эътироф этилади.

Афтондия ИСМОИЛОВ,  
"Хабар"нинг Қашқадарё  
вилоятидаги мухбири

## Хулосат

КИМНИНГ ХУЛҚИ ХУШ, ФЕЪЛ-РАФТОРИ ТЎҒРИ БЎЛСА, У ТИЛАКЛАРИГА ЕТАДИ, ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ БЎЛАДИ.

Юсуф Хос Ҳожиб

## Комиллик кафолати

Туманимиз халқ таълими ходимлари ўз фаолиятларига тараққиёт талаби даражасида ёндашишга интилоқда.

Кейинги пайтда таълим тизимида илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш учун зарур база яратилди. Хусусан, мавжуд таълим ўқокларининг қарийб 60 фоизи "ZiyoNET" ахборот тармоғи орқали интернетга уланган. Айни чоғда ўқув фанлари бўйича 119 номдаги электрон дарсликлар, ўқув фильмлари ва мультимедиа дастурий воситаларига эгамиз. Албатта, бундай имкониятлардан фойдаланиш учун ўқитувчининг ўзи ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши керак. Бунинг ўз вақтида инобатга олинди. Ҳозир ўқитувчиларимизнинг деярли ҳаммаси малака ошириб келинди.

Шу билан бирга, туман бўйича 18та фонддан устоз-шогирд мактаблари фаолият кўрсатиб турибди. Мактаблардаги ёш кадрлар соҳада кўп йилдан буён меҳнат қилиб келаётган муаллимларга бириктирилган.

Бундай узвий ҳамкорлик таълим сифатини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ҳамкасблар ўқув йили давомида электрон дарсликлар, ўқув фильмлари ҳамда мультимедиа дастурий воситаларидан фанлар бўйича кенг фойдаланишяпти.

Дарҳақиқат, бундай таълим сифати шубҳасиз комиллик кафолати учун хизмат қилади. Мустақил Ватанимиз истиқлоли эса худди шундай — ҳар томонлама етук ёшлар изланишлари эвазига янада гуллаб-яшнайд.

Икромжон БҶУНОВ,  
Шеробод тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири

# Яхшилик ҳикмати

— Яхши инсон бўлинг!

Бу даъват эди. Қизалоқ ўқитувчиларининг ҳар сўзини қулоғига қуйиб олишга интилаётганиди. Қандай инсонни яхши дейдилар? Қандай ишлар қилса, ўзини қандай тутса, уни яхши инсон десалар.

— Солих инсон деганимизнинг мазмуни ниҳоятда кенг, — устоз болаларнинг ҳаёлидан кечаётганларини сезиб давом этади. — Бундай инсон болалигидан бошлаб мактабда, билим юртларида, олий ўқув юртларида аъло баҳоларга ўқийди. Бутун ақл кучини ишга солиб ўқитувчи, шифокор, олим, профессор, алоқачи, ҳайдовчи каби ўзи истаган касблар ва даражаларни эгаллайди. Зукко мутахассис — элу юртга нафи тегадиган инсон бўлиб етишади. Мухими, у ҳаммага яхшилик ва фақат яхшилик қилади. Ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайди...

Ўзи туғилиб ўсган Қўшкечик кишлоғидаги 34-умумтаълим мактабидан Нурутжон опа Нуридинова, Вера опа, Хатиря опаларнинг, кейинроқ Тошкент алоқа политехникумида Қазақов ва Иван Осинларнинг ана шундай бебаҳо ўғитлари руҳида мустикал ҳаётга қадам қўйди.

Қиз мактабда ўқийётган кезларида хабарчиларга ҳавас уйғонганди. Неъматжон ака Азимовнинг кўчалардини ютиб, хат-хабар, газета-журнал тарқатиб, барчани хушнуд этиб юрганни кўрганида, дилида алла-

қандай ёқимли хислар жўш уради. "Мен алоқачи бўламан! Почтада ишлаб одамлар олқишини оламан!"

Уни мактабни битириши билан почтага ишга олишди. Навқирон почтачи қизни алоқа политехникумига ўқишга юборишди. Техникумни тугаллаганида унинг яхши инсонга хос хислат ва сифатлар тўғрисидаги тасавурлари анча бойиганди. Сабр-қаноатлилик, меҳнатсеварлик, шукроналилик... Эҳе, калбни қанчалар ҳусни хулklar билан безаса, шунчалар оз бўлавераркан-да!

Илк иш бошлаган Қува-2 алоқа бўлимида касб сирларини обдон ўрганди. Ўрганди... Айтишгагина осон. Инсондан меҳнатга, одамлар билан хушмуомалалик илмини ўрганишга ҳам қатъият, куч, сабр-тоқат талаб этилар экан. Одамни аслида ҳақиқий меҳнат қамолга етказаркан. Йиллар ўтиб эса яшамок бу ишамок эканлигини ҳам теран англаб етди.

Меҳнат жамоасида ҳам устоз ва мураббийлар насихатларини шиор қилиб олди. "Халол бўл! Халол бўл! Халол бўл! — Ҳамдам ака бу гапни деярли ҳар кун тақрорларди. — Бори қут-барак ака шунда!"

Қува почта алоқаси тармоғидаги Ҳожирахон Тешабоева, Дилором Шерматова, Гулчехра Зокирова, Мамасодиқ Қодиров каби устозларнинг соҳага оид қонун-қондалар, меъёрий ҳужжатлар, йуриқномалар, почта алоқаси тармоғининг ибратли тажрибаси

билан таништиришгани кечагидай ёдида. Уларнинг айтганларига мана, 18 йилки, қатъий амал қилиб келади. Шу йил касб байрами муносабати билан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг фахрий ёрлиғи билан тақдирланиб, узоқ йиллик самарали меҳнатлари, соҳа тараққиётига қўшган ҳиссаси эътироф этилди.

Дарҳақиқат, эндиликда у Қува-2 алоқа бўлимини муваффақият билан бошқариб келаётган почта соҳасининг доно билимдонларидан бири ҳамда оқила уй бекаси, бахту тахтли она. Турмуш ўртоғи Қува агросаноат коллежи ўқитувчиси Шавкатжон Розиков билан Шухратжон ва Воҳиджонларини вояга етказишмоқда. Улар ҳозирда коллеж ва мактаб ўқувчилари. Бирини тиллар, бирини эса футбол дунёси кизиқтиради. Улар ким бўлсалар ҳам майли, фақат яхши инсонлар бўлиб қамолга етсалар бас.

Мўмина Қорақулованинг 1 октябр — ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан "Хабар" муштариларига, юртимиздаги ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги, филиал ва тармоқдаги ҳамда ўзи ўқиган умумтаълим мактабидagi устозларига эзгу тилақлари жуда кўп: Байрамингиз кутлуғ бўлсин, азизлар! Икки дунё саодатини кўринг!

Ҳафиза САЛЯҲОВА,  
"Хабар"нинг  
Фарғона вилоятидаги мухбири

## ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Барча устоз ва мураббийларни,  
1 ОКТЯБР — ҲИТИВЧИ ВА  
МУРАББИЙЛАР КУНИ  
билан табриклайди.

*Қадрли устозлар!  
Юртимиз келажаги  
бўлмиш ёшларни  
тарбиялашдек ўта  
масъулиятли ва  
шарафли  
ишингизда  
ютуқлар тилаймиз!*

*Сиздан бошланади асли тафаккур,  
Мунис муаллимлар сизга ташаккур!*

## “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК “ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Навқирон наслнинг меҳрибон тарбиячилари бўлган  
барча устоз ва мураббийларни  
КАСБ БАЙРАМЛАРИ билан кутлайди.



Ҳар бир муаллимнинг саодати,  
мамлакатларнинг тинчи ва роҳати ёшларнинг  
яхши тарбиясига боғлиқдир!

## “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК “ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Республикамыз  
устоз ва мураббийларини  
яқинлашайтган  
ҲИТИВЧИ ва мураббийлар  
куни билан  
қизгин кутлайди.



*Азиз устозлар!  
Фидойи фарзандлар  
тарбиялашдек  
олижаноб  
ишларингизда  
омадлар  
ёр бўлсин!*

## “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ


*Ма.и.макати.ишда меҳнат  
қилаётган ҲИТИВЧИ ва мураббийларни  
КАСБ БАЙРАМЛАРИ  
билан қизгин  
муборакбод этади.*



*Мажонда бўлмаса муаллими агар,  
Ҳаёт ҳали бўлмасди гўзал бу қадар!*

**ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ  
МАРКАЗИ жамоаси**

Республикамиздаги барча устоз ва мураббийларни 1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni билан муборакбод этади.



Устозлар умри — мангу,  
чунки шогирдлар умри унга уланади.  
Байрамингиз муборак бўлсин!

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ХОДИМЛАРИ  
КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ  
ЖАМОАСИ**

Барча устоз ва мураббийларни,  
алоқа соҳаси ўқув юртларининг  
педагогларини  
КАСБ БАЙРАМЛАРИ билан қутлайди.



Инсонларга илму урфон улашишдек  
масъулиятли ва шарафли ишларингизда  
зафарлар ҳамроҳ бўлсин,  
азиз ҳамкасблар!

**Насибага насиб этган бахт**



Ички ишлар бўлими ходими  
Жўрабек ака ва Тамара  
опалар хонадонидида тўрт  
нафар фарзанд вояга  
етди. Отадаги ўзига  
топширилган вазифага  
бўлган жиддий  
муносабат, бошлаган  
ишини охирига  
етказмагунча тинчимаслик,  
ташкilotчилик ва  
фаоллик фазилатлари  
кенжа қизи Насибага  
кўпроқ ўтган шекилли,  
у ўқувчиларга сабоқ  
беришдан ташқари  
жамоатчилик  
ишларини ҳам  
бажонидил  
бажаради.

Тошкент алоқа касб-хунар коллежидида ўтказиладиган хар бир тадбир унинг ташкilotчилигида тайёрланганлигига кўп бор гувоҳ бўлганман. Айниқса, русийзабон гуруҳ талабалари томонидан ўзбек тилида ифодали ўқилаётган шеър ва монологлар, Навоий ва Бобур каби дахо боболаримизнинг расфазалларини тинглаб кўпчилик хайратта тушади. Айрим ёшлар ўзбек тилида оддий сўзлашувни ўрганишга эринчokлик қилаётган бир пайтда коллеж талабаларини нафақат шеър ёки монолог, хатто газаллар ёд олишга ўргатиш осон кечмаслигини хис қилганим холда коллеж рус тили ўқитувчиси, “Тиллар” кафедраси мудирини Насиба ТУРСУНХЎЖАЕВАга шу саволни бердим.

ратта тушади. Айрим ёшлар ўзбек тилида оддий сўзлашувни ўрганишга эринчokлик қилаётган бир пайтда коллеж талабаларини нафақат шеър ёки монолог, хатто газаллар ёд олишга ўргатиш осон кечмаслигини хис қилганим холда коллеж рус тили ўқитувчиси, “Тиллар” кафедраси мудирини Насиба ТУРСУНХЎЖАЕВАга шу саволни бердим.

— Албатта, русийзабон оилада туғилиб, вояга етган талабанинг Алишер Навоий ёки Фузулий газалини ёд олиши эшитганларда хайрат пайдо қилиши мумкин. Лекин биз шу йўл билан ўз кадриятларимизни тарғиб қилаймиз, колаверса, ўша кадриятларимиз орқали улар онгига одамийлик, эзгулик туйғуларини сингдириямиз, халқимизни хурмат қилишга ўргатаймиз. Сабаби, улар ўзлари ёд олган шеър ёки газали аввало тушуниб олишга харакат қиладилар. Бу эса ўзининг ижобий самарасини берапти.

Шайхонтоҳур туманидаги 10-мактабни аъло баҳолар билан тамомлаган Насиба муаллималикдек оғир, лекин шарафли касбни танлаб, Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг рус филологияси факултетига ўқишга кирди. Иш фаолиятини 165-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган ёш мутахассис мана, 15 йилдики, бўлажак алоқачиларга рус тили фанидан дарс бериб, уларни ота-боболаримиз анъаналарига садоқат, мустақил юртимизга, ўзбекиона кадриятларимизга мухаббат руҳида тарбиялашдек масъулиятли ишга ўз хиссасини қўшапти. У бир мақсад йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган ҳамкасблари — она тили ва адабиёти ўқитувчилари Мухтабар Назарова, Гўзал Мирғазмова, Саодат Самадова, Гўзал Исаева ҳамда инглиз тили муаллималари Дилдора Маликова, Алфия Жабборова, Феруза Тошмухамедова, Дилафрўз Туракуловалар хақида ўзга-

ча меҳр билан сўзлади. Кафедра мудирини сифатида зиммасига юклатилган ўқув дастурларини янгилаш, уларни стандартларга мослаштириш, кафедра педагоглари ишини назорат қилиш каби вазифаларни тўлиқ адо этишга харакат қилаётгани хақида гапирди.

— Педагоглик улкан бахт. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, биз педагоглар зиммасига жамиятимизнинг энг нозик жабҳаси — ёшлар тарбияси юклатилган экан, бу вазифани тўлиқ бажариш учун замонавий педагог умумбашарий билимларга эга бўлиб, янги технологияларни пухта билиши лозим. Шундагина биз ўз мақсадимизга эришамиз. Бунинг соҳанинг хар бир вакили унутмаслиги лозим, — дейди Насиба Турсунхўжаева.

Насибахон касбига фидойи педагог бўлиши билан бирга, аёллик, оналик ва фарзандлик вазифасини ҳам ўрнига қўйиб адо этмокда. Турмуш ўртоғи — ҳуқуқшунос Аброрхўжа Турсунхўжаев билан биргаликда икки нафар фарзандни эл каторига қўшишди. Бугунги кунда ўғиллари Отабек “Ўзбекистон хаво йўллари” компаниясида фаолият юритаётган бўлса, Лазихўжа алоқачилик касбинини танлаган.

Биз Насиба Турсунхўжаева каби ёшлар тарбияси учун жон куйдириб меҳнат қилаётган юртимизнинг барча педагогларини касб байрамлари билан табриклар эканмиз, уларнинг келгуси педагогик фаолиятида ютуқлар тилаймиз.

Муборак  
МИРКАМЛОВА

1-ОКТАБР — О'QITUVCHI VA  
MURABBIYLAR KUNI

Бугун юртимизнинг қай бир шаҳару қишлоқларида бўлмайдик, кўчаларда ғизиллаб ўтиб бораётган, ўзимизда, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган, замонавий стандартларга жавоб берадиган, ишончли ва тежамкор энгил автомобилларга кўзимиз тушади. Чиройли дизайнга, шунингдек, барча қулайликларга эга бўлган, йил ўтган сайин такомиллаштириб борилаётган бу автомобиллар нафақат юртимиз, балки хориж бозорларидан ҳам муносиб ўрин эгаллаб, харидорлар ишончини қозонмоқда.

Хар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, IX боб, 42-модда.



# Юрт ишига камарбасталар

— Албатта, бу ҳақда ўйлаганда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан юртимизда автомобилсозлик саноатига асос солиниши ҳалқимизнинг мустақиллик йилларида эришган энг катта ютуқларидан бири бўлгани яна бир бор кўз олдимизда намоён бўлади, — дейди биз билан суҳбатда Асака туманидаги "Ойназар" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Хабибулло Халилов. — Чунки бугунги кунда юртимизда автомобилсозлик иқтисодиётининг жадал ривожланаётган соҳаларидан бирига айланди. Маълумки, бирон соҳанинг тараққий этиши турдош соҳаларнинг ҳам ривожланишига, бинобарин, янги иш ўринларининг яратилишига замин яратади. Шу нуқтан назардан айтадиган бўлсак, мамлакатимизда автомобилсозликнинг тез суръатларда тараққий этиши бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришига иқтисодлашган корхоналарнинг вужудга келишига асос бўлди. Бизнинг корхонамиз ҳам мустақиллик шарофати билан фаолиятини йўлга қўйиб, юртимизда яратилган имкониятлар самараси ўларок ишлаб чиқариш қуввати ва турларини тобора ошириб бормоқда.



Дарҳақиқат, Хабибулло аканинг бу гапларида жон бор. Зеро, "Ойназар" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан яқиндан танишганимизда бу ерда ишлаб чиқарилаётган бутловчи қисмлар, автомобил ўриндиклари филофлари ва ўриндикларнинг сифати, дизайнни кўриб, кўнглимизда беихтиёр фахр хисси жўш урди. Хабибулло аканинг айтишича, ушбу корхонага 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит асосида пой-

девор қўйилган эди. Ушбу кредитнинг муваффақиятли ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ўтган қисқа вақт ичида Асакада мамлакатимизда саноқли бўлган ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилди. Ушбу корхона 20 сотих майдонни эгаллаган бўлиб, шунинг асосий қисмида бевосита ишлаб чиқариш қувватлари жойлашган.

— Корхонамиз маҳсулотларидан бугунги кунда Андижон шаҳридаги "ЎЗДОНТЯНГО", "ЎЗТОНГХОНГ"

қўшма корхоналари ҳам фойдаланади, — дейди суҳбатдошимиз. — Шунингдек, "GM Uzbekistan" корхонасидан ҳам буюртмалар тушган бўлиб, шартнома асосида маҳсулотларни етказиб берамиз. Айни пайтда корхонада ялпи ишлаб чиқариш бўйича маҳаллийлаштириш даражаси тобора ошиб бормоқда. Фаолиятимизни кенгайтиришда маҳаллийлаштириш дастури, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда келгусида Россия ва Корея мамлакатларига намунавий эталон чойшабларни экспорт қилиш бўйича шартномалар имзоланиш режалаштирганмиз. Корхона мазкур шартнома асосида тўлиқ қувват билан ишлаб бослағач, бу ерда яна 100 нафар киши иш билан таъминланади. Айни пайтда 25 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти хорижлик мутахассислар иштирокида ўқитилиб, билим ва кўникмалари оширилди. Корхонада ишлаб чиқариш жараёни тўла илғор компьютер технологиялари ёрдамида бошқарилади.

Айтиш ўринлики, мамлакатимизда юртдошларимизнинг эмин-эркин яшашлари билан бир қаторда, касбий маҳоратини юксалтириш, замонавий билимларга эга бўлиши учун ҳам барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Хабибулло Халилов ҳам ана шу имкониятлардан самарали фойдаланган бахтли инсонлардан бири. Зеро, у киши Асака заводидида фаолиятини бошлағач, Польша, Корея давлатларида малака ошириб қайтди. Ўз касбининг билимдон ва фидойиси сифатида орадан йиллар ўтиб, биз сизга хикоя қилаётган корхонага асос солинди.

— Шу озод ва обод юртининг фарзанди сифатида мустақилликнинг оиламиз тақдирида тугган ўрнини ҳеч нарса билан қийсалай олмайман, — дейди у киши. — Энг улур, энг азиз неъмат бўлган истиқлол шарофати билан ота-онам ҳожилик бахтига мушарраф бўлишди. Кексалик гаштини сураётган ота-онам хар гал дуога қўл оғанида юртимизда яратилган тинчлик ва осойишталикка кўз тегмаслигини сўрашади. Албатта, бу бежиз эмас. Чунки тинчлик, осойишталик бор жойда қут-барака, муваффақият бўлади. Турмуш ўртоғим Гулбахорхон ҳам тadbиркор. Рафқам билан хар бир ишни бамаслаҳат олиб бориб, оиламиз, маҳалламиз, юртимиз иқтисодиётимизга муносиб хисса қўшаётганимиздан фахрланамиз. Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамма мусаффо бўлсин!

Ойгул САЪДУЛЛА қизи

## Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"SOFT MEDIA INTERAKTIV" масъулияти чекланган жамиятнинг (Фарғона вилояти) аризасига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003814 рақамли;

"КАНДОЛАТ ЭКСПОРТ ИШОНЧ" масъулияти чекланган жамиятнинг (Андижон ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002405 рақамли;

"Шому-Сахар" савдо-ишлаб чиқариш фирмасининг (Бухоро ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003051 рақамли;

"SARKOR WIRELESS COMMUNICATIONS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ:

- маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0000453 рақамли;

- маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002865 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2012 йил 20 сентябрдан тугатилди.

## Табриклаймиз!

"ЎИ-Қарши" филиали жамоаси филиалининг 225(70)-ЗАТС участка бошлиғи Нураёт Йўлдошевни кутлур 50 ёш қарши олиши муносабати билан табриклаб, унга оилавий хотиржамлик, узок умр, танихатлик тилайди.

С.Насофий номидаги Қашқадарё вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамда қасаба уюмчаси қўмитаси жамоалари АКМ директори Клара ДУСЕРОВАни муборак 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклайди. Унга мустахкам соғлиқ, оилавий тотулик ҳамда ишларида муваффақият тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Қува ҳамда Бағдод почта алоқаси тармоқлари ходимлари Зокиржон Раҳматов ҳамда Умарали КАРИМОВларни 50 ёш билан самимий табриклайди. Уларга мустахкам саломатлик, узок умр, фарзандлар рохатини кўришни тилайди.

Қашқадарё вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси жамоаси бошлиқ ўриббосари Амирсул ХУДОЙҚУЛОВни 41 ёш билан самимий табриклаб, унга мустахкам соғлиқ, узок умр, оилавий хотиржамлик, фарзандлари рохатини тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Наманган филиали Наманган шаҳар почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқ бошлиғи Абдурасул МҲМИНОВни 40 ёшга тўлиши муносабати билан самимий кутлайди. Унга узок умр, оилавий бахт ва фарзандлар рохатини кўришни тилайди.

# Тараққиёт гарови

Юртимизда мамлакат иқтисодийтини жадал ривожлантириш ва тараққиётнинг муҳим кафолати бўлган тадбиркорликка жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган муҳим ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ўз вақтида қабул қилинган муҳим дастуриламал бўлди. Ёки республикамизда кейинги йилларда қабул қилинаётган қонунчилик меъёрлари тадбиркор манфаати устуворлиги тамойили асосида амалиётга жорий этилмоқда. Президентимизнинг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенгрок эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари ҳам бу соҳада янги имкониятлар яратиб берди.

Давлатимиз раҳбарининг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига асосан, бугунги кун талабларига мос келмайдиган бир неча турдаги ҳисобот шакллари ва турларининг айримлари бекор қилинди ва бир-бирини такрорловчи ҳисобот шакллари умуллаштирилиши натижасида ҳисоботлар миқдори камайди. Шу билан бирга, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб, солиқ органларига тақдим этиладиган 11 турдаги солиқ

"Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши ҳам мулкдор ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоялаш тизимининг янада кучайтирилаётганлигини исботидир.

ҳисоботлари ва бошқа маълумотларни бирлаштириб, 5тага туширилиши белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, 4та фаолият тури бўйича лицензиялар чекланмаган муддатга бериладиган бўлди ва 10та лицензияланадиган фаолият тури бирлаштирилиб, бтага туширилди.

"Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенгрок эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонга асосан ишбилармонлик муҳитининг халқро амалиётда қўлланиладиган тартиб-таомиллари янада соддалаштирилади ва қисқартирилади. Энг муҳими, ва асосийси, давлат ва назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муноса-

батларнинг замонавий кўриниши — электрон шакли кенг жорий этилади. Бундай қулайликлар тадбиркорнинг маблагини тежайди, ортқча маъмурий тартиблардан халос бўлишни таъминлайди.

Республикада оилавий тадбиркорликка ҳам кенг аҳамият берилмаптир. Тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари билан бўлган оилавий корхоналарни ривожлантириш, ҳуқуқий пойдеворини яратиш мақсадида жорий йилда "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Албатта, бу қонун ҳам оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги кенг кўламли ислохотларни амалга оширишга хизмат қилади.

Хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз тарихида азал-азалдан муҳим ўрин тутиб келган. Бугун юртимиздаги иш билан банд бўлган жами аҳолининг 75 фоизидан кўпроги ушбу соҳада меҳнат қилмоқда. Республикадаги барча хўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортигини кичик бизнес корхоналари ташкил этади. Ҳозирги кунда яши ички маҳсулотнинг 54 фоизи айнан шу соҳа хиссасига тўғри келмоқда. Бундай салмоқли кўрсаткичлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар натижасидир. Яқинда "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши ҳам мулкдор ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоялаш тизимининг янада кучайтирилаётганлигини исботидир.

**Д. Тўраев,**  
Тошкент харбий округ  
харбий прокуратураси  
катта терговчиси,  
адлия капитани



## "Сўнгги чизиқ"

"Сайғоқ — дашт антилопаси бўлиб, Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия ва Манголия ерларида яшайди. Сайғоқ йўқолиб бораётган жониворлар турига кириб, Табиатни муҳофаза қилиш халқро ташкилоти қизил рўйхатига ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"га киритилган..." Шундай сўзлар билан "Сўнгги чизиқ" ҳужжатли филми бошланади. Бундан англашимиз мумкинки, филм "сўнгги чизиққа қолган", яъни йўқолиб бораётган жонивор сайғоқ ҳақида олинган.

Хаммамизга маълумки, ахборот технологиялари ривожланиб, таълим олишда ҳам қулайликлар кўпаймоқда. Медиа таълим (кино таълим) орқали ҳам кўп маълумотлар олаёмиз. Филм орқали Уестпорт яси тоғлари, ноёб жонивор сайғоқ ҳақида кўпгина маълумотларни олиш мумкин. Бу филмни кўрмасдан олдин сайғоқ ҳақида ҳеч нарса билмасдинг. Уни кўргач сайғоқ табиат учун ҳам, одамлар соғлиғи учун ҳам керакли жонивор эканлигини ҳамда бу жонивор мамлакатимиз ҳудудида ҳам яшашини билиб олдинг.

Филмда ижодкорлар бу жониворнинг йўқолиб кетишининг олдини олиш кераклигини, бунинг сабабларини аниқ тушунтириб бера олишган. Бундан ташқари, у ёш ижодкорлар ва операторлар, айниқса, биз талабалар учун кўп натижаларга эришишимизда муҳим қўлланма бўла олади. Энг муҳими, филм ижодкорларидан бири — ТАТУнинг "Телевидение, радиозинтириш студиялари ва жиҳозлари" кафедраси муdiri, оператор Ботир Бозорбоев бизга операторлик сирларини пухта ўргатиб келмоқда. Бу ўрганганларимиз орқали келажакда кўп ютуқ ва натижаларга эришамиз, деган умиддаман.

"Сўнгги чизиқ" филми 2011 йилда яратилган кино-видеофилмлар намоишларида ҳам катнашиб, томошабинлар ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлди.

**Ориф АБДУРАХМОНОВ,**  
ТАТУ кино-телеоператор  
йўналиши 4-босқич талабаси

## Ёш тадбиркор

Марғилон шаҳридаги банк коллежининг банк иши йўналишини муваффақиятли тугатган Жаҳонгир ҚОДИРОВ қобилиятли ёшлардан бири.

У ўзи ўйлаган бизнес-лояихани амалга ошириш учун озмунча ҳаракат қилмади. Жаҳонгир маиший хизмат кўрсатишга қаратилган бизнес-режасини "Асакабанк"нинг Марғилон бўлимига тақдим этиб, уч йил муддатта 10 миллион сўм миқдорда кредит олишга эришди. Жаҳонгирнинг бизнес-режасига мувофиқ, шаҳардаги "Арикбўйи" маҳалла фуқаролар йиғини марказидаги каровсиз бино таъмирланиб, компьютер маркази ташкил этилди.

Эндиликда маҳалла ёшлари шаҳар марказига қатнамасдан, ўз маҳаллалари ҳудудида истаган маълумотларни интернетдан олишлари мумкин. Ҳозирда

марказда етти та замонавий компьютер жамланмалари ёшлар хизматига бериб қўйилган. Учта иш ўрнига эга бўлган марказда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтишига ва интернет янгиликларидан хабардор бўлишларига имконият яратилди.

Жаҳонгир 2010 йилда Фарғона шаҳридаги "Юникс" компьютер ўқув марказида тахсил олиб, оператор мутахассислигига эга бўлган. Айни вақтда у ёшларга компьютер савдонлигидан дарс бермоқда.

Ёш тадбиркор раҳбарлигидаги "Қодиров Жаҳонгир" хусусий фирмасида пайнет, нухса кўчириш ва бошқа хизмат турлари ҳам ташкил этилган.

Жаҳонгир келажакда ТАТУнинг Фарғона филиали талабаси бўлишни астойдил мақсад қилган.

**Мухаммадҷон МАХМУДОВ**

### "BV Trade service" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамиятида бўлиб ўтган аукцион савдоси натижаси

№	Объект номи	Манзили	2012 йил 11 сентябр кунин сотилган улушлар.	
			Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
1	«Бухоромат луботсавдо» акциядорлик компаниясининг «Бухоромат луботсавдо» савдо ишлаб чиқариш кооперативининг устав фондидаги 25 фоиз улуши	Бухоро тумани, Галя-Осиё шаҳри, Нодирабегим кўчаси, 9-уй.	47 617 550	55 000 000

Хизматлар лицензияланган

### Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг "Телевидение ва радиозинтириш" кафедраси техника фанлари номзоди, Халқро алоқа академияси академиги **Маъсуд ЗУПАРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси билан бирлашган касабо уюмчаси кўмитаси "Ахборот-кутубхона тизимлари" кафедраси доценти **Ҳамроҳов МАМАТРАЙМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Бугун бу уйлarda истикомат қилаётган юртдошларимиз билан суҳбатлашганимизда, улар кўли гул қурувчиларнинг маҳоратига тасаннолар айтган ҳолда умргузаронлик қилаётганига гувоҳ бўлдик. Чиндан ҳам уй кўнгилдагидек қурилган, камчилиги кўзга ташланмайдиган. Бу шубҳасиз, қурувчиларнинг зиммасидаги масъулиятни ҳис қилган ҳолда ишонччи оқлаганларидан дарак беради.

— Мустақиллик шарофати туфайли одамлар ҳаёти, дунёқарашда катта ўзгаришлар рўй бермоқда, — дейди “Камолот Ишонч АНД” ихтисослашган таъмиркурилиш хусусий корхонаси раҳбари Улуғбек Исомиддинов. — Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли одамларимизнинг маънавий-маданий ҳаётида, уларнинг турмуш тарзига, жумладан, уй-жойга бўлган муносабати, талабида янгиланишлар бўлмоқда. Бугунги юртдошларимиз нафақат ўзи, балки яшаб турган кишлоғининг, маҳалласининг ҳам ободончилигини юксалтиришга ҳисса қўшапти. Шу туфайли юртимизда кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида эса кўплаб одамлар, айниқса, ёшлар иш билан таъминланаётган.

Кўпни кўрган кексаларнинг айтишича, қурувчилик одамдан катта меҳнат, тажриба ва сабр-тоқатни талаб қилади. Чунки одамларнинг бошпанаси, ватани, таъбир жоиз бўлса, тақдири билан боғлиқ масъулиятни зиммага олишининг ўзи бўлмайди. Ана шундай масъулиятли вазифани зиммага олиш — бу аввало билдирилган ишончдан оқилона фойдаланиб, элнинг муқим тураржойи учун жавобгарлик демакдир.

“Камолот Ишонч АНД” ихтисослашган таъмир-қурилиш хусусий корхонаси аъзолари ана шу масъулиятни ҳис қилган ҳолда 2009 йилдан буён самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу йил корхона жамоасига Асака туманидаги Файзиобод маҳалласида 12та намунавий уй-жойларнинг қурилиши топирилгани ҳам шундан дарак беради.

Хусусий корхона раҳбари Улуғбек Исомиддинов Шаҳрихон туманидаги Шаҳрихон маҳалласида, зиёли оилада турилган. Халимжон ака ҳамда Одинахон опаларнинг олтинчи фарзанди бўлиб дунёга келган Улуғбек ёшлигидан билим олишга, касб-ҳунар ўрганишга қизиқди. Ана шу қизиқиш туфайли дастлаб Тошкент тўқимачилик ва енгил санаят институтида таҳсил олди. Иккинчи мутахассислигини эса қурувчи-муҳандис бўлиш мақсадида танлади.

— Отам Халимжон ака 50 йил давомида мактабда она тили ва адабиётни фанидан дарс бериб, кўплаб инсонларга устозлик қилди, — дейди у киши. — Кўп йиллик фаолият давомида туманимиздаги 5, 17-сонли мактабларда директор бўлиб ишлади. Ҳозир нафақада, фарзандларнинг камолини кўриб, кексалик гашишни сурмоқда. Онам Одинахон ая чеварчилик қилиб, шунингдек, 9 фарзанднинг тарбиясида отамга яқин кўмак

чи бўлди. Ота-онанинг берган таълим-тарбиялари туфайли бугун биз ака-укалар, опа-сингиллар — барчамиз ҳаётда ўз ўрнимизни топдик. Баҳоқиржон акам билан ҳамкасбимиз, яъни у киши ҳам қурувчи. Бахтиёржон тиббиёт фанлари номзоди, Асака шаҳар шифохонасида бош шифокор, Гулчехраҳон ҳамшира, Мавлудахон чевар, Шарифахон “Одинахон” ўқув марказининг раҳбари, Шухратбек шифокор, Шавкатбек ҳуқуқшунос, Абдуллоҳжон тadbиркор. Мен буларни айтишимдан мақсад шуки, бизнинг ҳаётда, жамиятда ўз ўрнимизни топишимизда ота-онанинг берган таълим-тарбияси, кўрсатган йўл-йўриғи жуда катта ўрин тутди. Бунинг учун Яратганга шукроналар айтамыз.



# УЛУҒ НИЯТ



Фарзандларнинг камолини кўриш ҳар бир ота-онанинг энг эзгу нияти. Бугунги кунда ана шу ниятига етган Халимжон ота ва Одинахон ая давлатимиз томонидан ҳожиларнинг эмин-эркин ҳаж зиёратини адо этишлари учун яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда шундай ёруғ кунларга етказгани учун дилида ҳам, тилида ҳам қайта-қайта шукр айтганча хожи деган номга мушарраф бўлиб, оиласи бағрига қайтиб келди.

— Уша кун уйимизда катта тўй бўлиб кетди, — дейди Халимжон ота. — Яқинларим, қавму қариндошларим, маҳалладошларим, кўйингки, мени таниган-билганлар уйимизга ташриф буюриб, мени хожиота дея бағирларига босиб қутлаганларидан ўзимни дунёдаги энг бахтиёр инсонлардан бири деб ҳис қилганман. Бу тўйғу мени ҳозир ҳам тарк этгани йўқ. Кўнглимдаги неча йиллик орзуим ижобатини топган бўлса, қандай тарк этсин?! Ҳар қил шу ҳақида ўйлаганимда юрагим хаприк-иб, халқимизга шундай имкониятларни яратиб берган мухтарам Президентимизга раҳмат айтаман. Бугун юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Мана шундай тинч замонда ўйилларим билан тadbиркорликни йўлга қўйиб, эл-юрт ўртасида ўзимизга яраша обрў-

эътибор қозондик. Мен буни мактанни эшиги учун айтмайман. Фақат истиқлол шарофати билан юртимиз, халқимиз ҳаётида рўй бераётган ўзгаришу янгиланишларни ўзимнинг оилам мисолида келтириб ўтйапман.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимиз, таъбир жоиз бўлса, улкан қурилиш майдонига айланиб, озод дидеримиз обод масканга айланди, — дейди Улуғбек ака. — Қадим шаҳарсозлик маданиятига эга бўлган Шаҳрихон ҳам бу жараёндан четда қолаётгани йўқ. Туманимизда истиқлол йилларида кўрғанда кўз қувнайдиган кўплаб таълим даргоҳлари, маиший иншоотлар, кутубхона, маҳалла бинолари фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Кишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тadbирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ кейинги йилларда бири нечта кишлоқ ва массивларда намунавий лойиҳалар асосида барча шaroитга эга замонавий уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилгани туманимизнинг чиройига янада чирой қўшди. Камтарона хизмат билан тумандошларимнинг қорига яраётганимдан, фаолиятимнинг гуллаган даври мустақиллик йилларига тўғри келганидан фахр-

ланаман. Маъмур Юсупов, Абдуқодир Биржанов, Сайфиддин Максимов, Шавкат Уринбоев, Энахон Исроилова каби аъзоларимиз билан келгусида ҳам ободончилик ва бунёдкорлик бўйича режаларимиз кўп. Насиб этса, бу режаларни ҳам муваффақиятли амалга ошириб, эл-юрт олдида юзимиз янада ёруғ бўлади.

Қурувчилик қилиб, ҳаётда ўрнини топанган Улуғбек Исомиддинов оилада ҳам тўқисликка, фаровонликка эришган. Турмуш ўртоғи Дилфуза опа билан уч нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказишмоқда. Ўғли Рустамбек бўлгуси иктисодчи, Фарҳодбек хорижий тилларни ўрганмоқда. Қизи Хадичахон малакали тикувчи бўлиш учун Шаҳрихон маиший хизмат коллежида астойдил ўқиб, изланмоқда.

Улуғбек ака билан суҳбатимиз узоқ давом этди. У киши шу озод юрtda қурувчилик қиламан, оиламни, маҳалламни фаровон қиламан, деган юртдошларимизга тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун барча шaroитлар яратиб берилаётгани хусусида тўққинланиб сўзлаганда, бизнинг ҳам қалбимизда фахр ҳисси жўш урди.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,  
журналист

<p><b>МУАССИС:</b> ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p><b>Бош муҳаррир:</b> Абдусайд КҮЧИМОВ</p>		<p><b>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</b> Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайрат раиси), Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Миродил САНГИЛОВ, Махсум МАҲМУДОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шомансур АБИДХОДЖАЕВ, Сувоп НАҲБИЛДИНОВ, Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятта келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикрларидан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> 100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Аслиддин БҮРИЕВ.</p>										
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади</p>		<p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>		<p>Г-952 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳақиқи 4 босма табоқ. Адади: 14818 нуска.</p>		<p><b>ISSN 2010-6424</b> Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>						
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>		<p>Андижонда 226-47-80</p>	<p>Бухорода 223-27-85</p>	<p>Гулистонда 40-12-19</p>	<p>Жиззахда 226-06-34</p>	<p>Навоийда 225-91-10</p>	<p>Наманганда 232-97-86</p>	<p>Нукусда 554-35-45</p>	<p>Самарқандда 233-61-81</p>	<p>Термизда 224-06-12</p>	<p>Тошкентда 288-40-66</p>	<p>Урганчада 226-37-16</p>	<p>Фарғонада 224-91-56</p>	<p>Қаршида 931-08-99</p>